

Шифокорлар хотинимга: "Ҳомиланг ногирон туғилиши мумкин" деб огоҳлантирган

18:53 / 26.04.2016 3209

Ассалому алайкум шайх хазратлари. Оллоҳ қиёмат куни сизни ўз раҳмати билан сийласин. Бир масалада иккиланиб қолдим, илтимос ёрдам берсангиз. Шифокорлар хотинимга: "ҳомиланг ногирон туғилиши мумкин" деб огоҳлантирган. Унинг ҳомиласи 3 ойлик. Бу масалада шарий ҳукм қандай?

АЙБЛИ ҲОЛДАГИ ҲОМИЛАНИ ТУШИРИБ ЮБОРИШ ҲАҚИДА

Аллоҳнинг Ўзига ҳамдлар бўлсин!

Ортларидан набий йўқ зотга солавоотлар бўлсин!

Ислом Фикҳи Академияси Маккаи Мукаррамада, Робитанинг биносида, 1410 ҳ.с. 15 - 22 Ражаб (1990 йил, 10 - 17 феврал) кунлари бўлиб ўтган ўн иккинчи мажлисида айбли ҳолдаги ҳомилани тушириб юбориш ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Муноқаша ва фикр алмашувлардан кейин Ислом Фикҳи Академияси бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

Агар ҳомила бир юз йигирма кунлик бўлган бўлса, уни тушириб юбориш жоиз эмас. Тиббий ташхийс унинг айбли яралганини қайд этган бўлса ҳам. Фақатгина ишончли мутахассис табиблардан ташкил топган тиббий гуруҳ ҳомилани қолишида онанинг ҳаётига муқаррар хатар борлигига қарор қилсагина, уни тушириб юбориш жоиз. Бунда икки зарардан каттасини даф қилиш бор.

Агар ишончли мутахассис табиблардан ташкил топган тиббий гуруҳ жиҳозлар ва таҳлил йўллари ила ҳомиланинг хатарли айблари борлигини, уни даволаб бўлмаслигини, у ўз вақтида туғилса ҳаёти ёмон бўлиши, ўзига ҳам ота-онасига дарду алам бўлиши аниқласагина, ота-онанинг талаби асосида уни тушириб юбориш жоиз бўлади.

Мажлис бу қарорни қабул қилар экан, табиб ва ота-оналарга бу масалада Аллоҳга тақво қилишни ва бу ишда аниқлик билан ҳаракат қилишни тавсия қилади.

Тавфиқ берувчи Аллоҳнинг Ўзидир.